

СПОРТ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИМ ВАЗИФА



Коррупцияга қарши кураш мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиб улгурди. Буни сўнгги йилларда соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-хуқуқий ҳужжатлар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, коррупцияга қарши курашнинг сифат ва сон жиҳатидан мутлақо янги даражага кўтарилиши давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг сиёсий иродаси маҳсули бўлиб, муҳтарам Президентимизнинг жамиятни “ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш” зарурати ҳақидаги фикрлари бу борадаги ишларга қўйилган тамал тоши десак, асло муболаға бўлмайди.

Зеро, муҳтарам юртбошимиз 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, **“жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция мухитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”**.

Иккинчидан, ушбу соҳадаги норматив-хуқуқий базани тизимли равишда такомиллаштириб бориш чоралари кўрилмоқда. Фикримизнинг исботи ўлароқ, “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, шунингдек ушбу йўналишдаги бошқа турли қонуности ҳужжатларининг қабул қилинганини келтириш мумкин.

Учинчидан, ушбу соҳада маҳсус ваколатли давлат органи - Коррупцияга қарши кураш Агентлигининг ташкил этилиши коррупцияга қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатининг институционал асосларининг такомиллаштирилишига замин яратди.

Тўртинчидан, мамлакатда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Бешинчидан, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишининг муҳим жиҳатларидан бири - давлат бошқаруви тизимида “инсон омили”ни камайтириш учун давлат ва жамият бошқарувига ахборот-

коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш йўлга қўйилди.

Олтинчи сабаб - коррупцияга қарши кураш халқаро тажриба ва ҳуқуқнинг тегишли нормаларини мамлакат қонунчилиги ва амалиётига имплементация қилиш билан биргаликда олиб борилаётганлиги билан боғлиқ. Жумладан, Коррупцияга қарши кураш Агентлигининг ташкил этилиши ҳам Ўзбекистон ратификация қилган БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясининг тегишли моддалари, шунингдек халқаро коррупцияга қарши кураш амалиётидаги “Жакарта принциплари”нинг мамлакатимиздаги имплементациясига яққол мисол бўла олади.

Еттинчидан, коррупцияга қарши муросасиз муҳитни яратиш жамоатчиликнинг кенг иштирокида амалга оширилаётганлиги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизими тубдан такомиллаштирилганлиги, Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, “Ишонч телефонлари”, “Виртуал қабулхоналари” ташкил этилганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида барча даражадаги раҳбарларнинг “сайёр қабуллари” ўtkазиш амалиёти йўлга қўйилганлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Албатта, соҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами мақтовга лойик, бироқ ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимизда спортни оммалаштириш, спорт турларини янада ривожлантириш ва спорт инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ҳозирги вақтда мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларига спортдаги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган янги нормаларни киритиш зарурияти юзага келмоқда.

Шу боис, жорий йилнинг 4 нояброда Ўзбекистон Республикасининг “Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят [кодексига](#) спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олганлиги ёки мулкий манфаатдор бўлганлиги, шунингдек спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олганлиги учун жавобгарликни белгиловчи нормалар киритилди.

Жумладан, ЖКнинг 214¹-моддасига биноан спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартериш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамигининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа

иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг улар бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёхуд бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлганлиги, ушбу Кодекснинг 210 ва

214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда, ушбу модда орқали жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида ўша ҳаракатлар:

- а) тақроран;
- б) кўп миқдорда;
- в) тамагирлик йўли билан;

г) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жавобгарлик чораси оғирроғи билан алмаштирилиши белгиланди.

Шунингдек, мазкур ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилди.

Шунингдек, ЖКнинг 214²-моддасига кўра спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасдан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёхуд бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уларни мулкий манфаатдор этиш учун жиноий жавобгарликни белгилайди.

Ўша ҳаракатлар:

- а) тақроран;
- б) кўп миқдорда;

в) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,

—

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар моддий қимматликлар берган ёки мулкий манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкий манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичida ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилиши назарда тутилди.

Эътироф этиш жоизки, Қонун миллий қонунчилигимизни замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштиришга, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга, спорт соҳасидаги жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга, шуниндек республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Термиз туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ботиржон Абдуллаев